

Journal of Humanities and Social Sciences № 9–10. 2016. September–October. –p. 72.;

21. Котов В.А. Организация рынка ценных бумаг. – Т.: Молия, 2007. – 23 с.

22. Ли А.А. Международный опыт развития муниципальных ценных бумаг и его применение в условиях Узбекистана.

Автореферат дисс... к.э.н. – Т., 2002. – 20 с.

23. Акромов Х.М. Узбекистон Республикаси қимматли қўғозлар бозорининг ривожланишига макроқўтисодий сиёсатнинг таъсири. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2010. – 22 б.

24. Хусанов Н.Ж. Развитие фондового рынка Республики Узбекистан на современном этапе. //Материалы международной научно-практической конференции «Пятнадцатые международные Плехановские чтения». – М., 2002. – С.116-118.

25. Халиқов У.Р. Ўзбекистонда фонд бозори орқали инвестицион фаолиятни молиялаштиришни такомиллаштириш. PhD илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2017. – 55 б.

26. Мурадова Л.Ф. Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш шароитида тижорат банклари активлари даромадлилигини ошириш йўллари. PhD илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2018. – 56 б.

27. Мўминова М.Б. Тижорат банклари актив операцияларини бошқариш стратегиясини такомиллаштириш. PhD илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2018. 57 б.

28. Роуз П. Банковский менеджмент. Пер. с англ. – М.: Дело, 1997. – С. 709.

29. Александрова Н.В. Понятие и виды секьюритизации. //Финансы и кредит. 2007. № 5.


30. Bies S. Strengthening compliance through effective corporate governance. Remarks at the annual regulatory compliance conference. 11.06.2012.

31. The international comparative legal guide to securitization 2005 / Global Legal Group Ltd. – London: William Clowes Ltd., 2011.

32. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий веб-сайти (www.cbu.uz) маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

33. <https://www.sifma.org> маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



 https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a14

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ МОҲИАТИНИ АНИҚЛАШНИНГ ИЛМИЙ ЁНДАШУВЛАРИ

Темиров Абдулазиз Алимжанович -

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Корпоратив бошқарув кафедраси доценти, и.ф.н.

Аннотация. Корпоратив бошқарувнинг кенг қамровли эканлиги боис унинг моҳиятини очиб беришга оид турли талқинлар ва қарашлар мавжуд. Шу сабабли ҳам корпоратив бошқарувнинг умумқабул қилинган ягона таърифи мавжуд эмас. Мазкур мақолада корпоратив бошқарувнинг моҳияти ва мазмунини очиб бериш учун турли иқтисодчи олимларнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари ўрганилган ҳамда муаллиф томонидан корпоратив бошқарув моҳиятини аниқлашга доир илмий таклиф ва тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: корпорация, раҳбарият, акционер, манфаатдор шахслар, стратегия, тузилма, тамойил.

НАУЧНЫЕ ПОДХОДЫ К ОПРЕДЕЛЕНИЮ СУЩНОСТИ КОРПОРАТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ

Темиров Абдулазиз Алимжанович -

доцент кафедры Корпоративное управление Ташкентского
государственного экономического университета, к.э.н.

Аннотация. Поскольку корпоративное управление носит всесторонний характер, существуют различные толкования и взгляды на раскрытие его сути. По этой причине не существует единого общепринятого определения корпоративного управления. С целью раскрытия сущности и содержания корпоративного управления в данной статье рассматриваются мнения различных экономистов по данному вопросу, а также представлены научные предложения и рекомендации автора по определению сущности корпоративного управления.

Ключевые слова: корпорация, руководство, акционер, заинтересованное лицо, стратегия, структура, система, принцип.

SCIENTIFIC APPROACHES TO DETERMINING THE ESSENCE OF CORPORATE GOVERNANCE

Temirov Abdulaziz Alimjanovich -

Associate Professor of the Department of Corporate
Governance Tashkent State University of Economics, PhD

Abstract. Since corporate governance is comprehensive, there are different interpretations and views on the disclosure of its essence. For this reason, there is no single generally accepted definition of corporate governance. In order to reveal the essence and content of corporate governance, this article examines the opinions of various economists on this issue, as well as presents the author's scientific proposals and recommendations on determining the essence of corporate governance.

Keywords: Corporation, management, shareholder, stakeholder, strategy, structure, system, principle

Кириш. Сўнги йилларда корпоратив бошқарув мавзуси кўпчиликнинг диққат-эътиборини ўзига тортиб келмоқда. Тижорат банклари фаолиятида кечаётган муҳим институционал ўзгариш сифатида корпоратив бошқарув тизимини шакллантиришни алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўзбекистан Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев таъкидлаганидек, "...корпоратив бошқарув тизимидаги принцип ва ёндашувларни тубдан ўзгартириш, ишлаб чиқариш, ташқи иқтисодий ва инвестиция жараёнларига замонавий халқаро корпоратив менежмент стандартларини жорий этиш жиддий эътиборни талаб қилади"[1]. Мазкур масаланинг долзарблиги, банкларда корпоратив бошқарувни ташкил этиш жараёнида айрим муаммолар мавжудлиги ва уларни ҳал қилишнинг илмий жиҳатдан асосланган йўллари ишлаб чиқариш зарурати билан белгиланади.

Корпоратив бошқарув, аввало, акционерлар ва бошқа манфаатдор шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишни назарда тутди. Таъкидлаш жоизки, кўпчилик инвесторлар учун корпоратив бошқарув масаласи мамлакатимизга йирик капитал олиб киришига қарор қилишларидаги асосий омиллардан бири ҳисобланади. Замонавий шароитда иқтисодиётда рақобатнинг кучайиши кузатилмоқда, бу эса корхоналар раҳбариятини доимий равишда рақобат шароитларига мос келадиган янги тармоқларни, корхоналарни бошқариш воситалари ва рақобатбардошликни ошириш йўллари қидиришга мажбурламоқда. Бундай воситалар ичида корпоратив бошқарув масаласи алоҳида аҳамиятга эга.

Корпоратив бошқарув тушунчасига оид адабиётлар таҳлили ўрганилганда турли тадқиқотларда турлича талқин берилганини таъкидлаш мумкин. Корпоратив бошқарув тушунчаси кенг бўлиб, бир вақтнинг ўзида компаниялардаги турли функцияларни, жумладан, менежмент, молия, ҳисоб, бизнес ҳуқуқи, бизнес этикаси ва иқтисодиётини мужассамлаштиради. Шунингдек, корпоратив бошқарув ҳисобдорлик, шаффолик, ошкоралик, ижтимоий масъулият, ҳалоллик (софлик) каби жиҳатларни ҳамда бошқарув органлари, акциядорлар ва манфаатдор томонлар ўртасидаги муносабатларни ҳам ўзида қамраб олади. Бундан ташқари компанияларни самарали бошқариш ва назорат қилиш учун тартиб-қоидалар, сиёсат, усуллар ва таркибий тузилмаларни белгилаб беради. Корпоратив бошқарувнинг бундай кенг қамровлиги боис, унинг ягона умумқабул қилинган атамаси мавжуд эмас.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Мавзуга оид адабиётлар таҳлилинини ўтказиш натижасида турли тадқиқотларда корпоратив бош-

қарувнинг алоҳида жиҳатлари кўриб ўтилган. Корпоратив бошқарув соҳасида бир қатор хорижий тадқиқотчилар томонидан олиб борилган изланишларда корпоратив бошқарув тушунчаси турлича тавсифланади. Жумладан, корпоратив бошқарувга оид энг машҳур таърифларидан бири А. Кадберининг "Буюк Британиядаги корпоратив бошқарувнинг молиявий жиҳатлари тўғрисида ҳисобот"да берилган. Унга кўра, "корпоратив бошқарув – компаниялар фаолиятини бошқариш ва назорат қилиш тизимидир" [2]. Корпоратив бошқарув мазкур муаллиф томонидан мулкни бошқаришдан ажратилган компания фаолият кўрсатадиган механизмлар тўплами сифатида белгиланади.

Э. Джефферс эса корпоратив бошқарувни "ташкilotни бошқариш ва бошқарилиш тизими" сифатида эътироф этади. Унга кўра, "Ушбу соҳадаги тамойиллар энг яхши амалиётларга мувофиқ белгиланади. Компания даражасида у акциядорлар, директорлар ва раҳбарлар ўртасида ваколат ва мажбуриятларни тақсимлашни тузишга интилади" [3].

Н. Мерфи эса корпоратив бошқарувни "Компаниянинг бошқарув ва назорат тузилмаларини муҳокама қилиш, шунингдек, компания эгалари, унинг директорлар кенгаши, ижро органи, ходимлар, етказиб берувчилар, мижозлар ва умуман жамият ўртасида ваколатларни тақсимлаш қоидаларини ўз ичига олган концепция" деб ҳисоблайди [4]. А. Берлининг тадқиқотларида корпорацияларни бошқаришда стратегияни танлаш ва корхона менежментини ривожлантириш, инвестицион фаолиятни бошқариш масалалари тадқиқ этилган [5].

Корпоратив бошқарувни манфаатлар баланси (мувозанати)ни сақлаш механизми сифатидаги талқини мавжуд. Р. Гампелнинг 1998 йилда нашр этилган ҳисоботида кўра, "Корпоратив бошқарувнинг аҳамияти унинг компания фаровонлигини оширишга ва ҳисобдорлигига кўшган ҳиссасида кўринади. Тўғри ташкил этилган корпоратив бошқарув эса барча иштирокчилар манфаатларини тўлиқ ҳисобга олишни таъминлайди" [6].

Худди шундай нуқтаи назарга эга бўлган бошқа россиялик тадқиқотчи А. Дементьева корпоратив бошқарувни "компаниянинг юқори раҳбарияти томонидан акциядорлар ва бошқа манфаатдорлар фаолиятининг манфаатини ҳисобга олган ҳолдаги акциядорлик жамияти фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳолда амалга оширадиган бошқарувнинг ажралмас қисми" деб ҳисоблайди. Директорлар кенгаши орқали фаолият юритадиган корпоратив бошқарув тизими ижро органининг бошқарув самарадорлигини, шунингдек, корпорациянинг барқарор ишлашини белгилайди" [7].

Иқтисодчи олим Х. Гючлюга кўра, “Корпоратив бошқарув компанияларнинг фаолияти ва бошқарувини бир тизим шаклига келтирилишидир. Тизимнинг элементларини ташкил этган ҳар бир қисм тизим доирасида ўз вазифаларини аниқлаштириб олиши лозим” [8].

Корпоратив бошқарувнинг бошқа таърифи Л.Глушкова томонидан шакллантирилган. Унинг фикрича, “Корпоратив бошқарув ўз мазмунига кўра, компаниянинг эгалари, шунингдек, бошқа манфаатдор шахслар номидан тайинланган менежерлар фаолияти устидан ички назорат тизимини шакллантиришдан бошқа ҳеч нарса эмас” [9]. Шунингдек, у корпоратив бошқарувнинг моҳияти “кредит ташкилотининг белгиланган мақсадларга эришиш бўйича ижро органи фаолияти устидан унинг эгалари томонидан назорат ва мониторинг” сифатида талқин этган.

Фикримизча, корпоратив бошқарувни бошқариш ва назорат тизими сифатида қараш корпоратив муносабатларнинг тўлиқ доирасини қамраб олмайди. Албатта, акциядорлар томонидан ижро органининг хатти-ҳаракатлари устидан назорат қилиши компания даромадларини максимал даражада ошириш, шунингдек, компания қийматини ошириш учун муҳим бўлса-да, бу таъриф асосан компания ичидаги корпоратив бошқарувга таъсир қилади, холос. Биз корпоратив бошқарув корпоратив муносабатлар субъектлари манфаатларининг мувозанатини таъминлаши керак, деган фикрни қўллаб-қувватлаймиз, аммо бу талқин корпоратив бошқарув механизмларини тўлалигича очиб бермайди.

Банклардаги корпоратив бошқарув “Банк фаолиятида қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёни” деб қараладиган нуқтаи назар мавжуд. Россиялик тадқиқотчи А.Мурычев томонидан банк фаолиятида корпоратив бошқарув иқтисодий категорияси шакллантирилган бўлиб, унда “Корпоратив банк бошқаруви мулкдорлар ва ёлланма бошқарувчилар ўртасидаги бошқарув функциялари тақсимотига асосланган инновацион қарорларини ишлаб чиқиш ва банкнинг стратегик масалалари бўйича қарорлар қабул қилиш, амалга оширилишини мониторинг қилиш жараёни” ҳисобланади [10].

Маълумки, қарор қабул қилиш жараёни корпоратив бошқарувнинг муҳим жиҳати ҳисобланади, аммо у менежментга тегишли, шунинг учун у корпоратив муносабатларнинг доирасини ифодалаб бера олмайди. Баъзи тадқиқотчилар корпоратив бошқарувни бир вақтнинг ўзида турли нуқтаи назардан тавсифлайдилар. Pricewaterhouse Coopers (PwC) халқаро аудиторлик компанияси томонидан ўтказилган тадқиқотларга кўра, корпоратив бошқарув энг кўп

ишлатиладиган ёки бизнес лексиконининг жуда кўп ишлатиладиган ибораларидан бири деб таърифланади [11]. Аммо бу таърифта турлича қарашлар мавжуд. Баъзилар учун корпоратив бошқарув, биринчи навбатда, ҳуқуқий тузилмаларга тегишлидир. Бошқалари учун эса асосан, бизнесни назорат қилиш, шунингдек, кишиларнинг ўз ишларини қандай амалга ошираётганини текшириш бўлса, яна бир бошқалар учун эса бизнесни бошқариш ва назорат қилишнинг барча усуллари қамраб олувчи кенгроқ тушунчадир.

Корпоратив бошқарув тушунчасини кўпинча компаниянинг манфаатдор томонлари ўртасидаги муносабатлар тизими сифатида талқин қилиш кенгроқ тарқалган. Ушбу таъриф кўплаб ташкилотлар ва тадқиқотчилар томонидан фойдаланилади. Жумладан, Банк назорати бўйича Базель қўмитасининг “Банклар учун корпоратив бошқарув принциплари” (Corporate governance principles for banks) ҳужжатида корпоратив бошқарув “Компания (ташкилот)нинг вазифаларини аниқлаш ва уларга эришишни назорат қилиш механизми сифатида унинг юқори раҳбарияти, унинг кузатув кенгаши, эгалари ва бошқа манфаатдор томонлар ўртасидаги муносабатлар тизими” сифатида талқин этилади. Бундай тизим ваколат ва жавобгарликни тақсимлашни ташкил этиш, шунингдек, корпоратив қарорлар қабул қилиш жараёнини ташкил этиш имконини беради [12]. Хусусан, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD) корпоратив бошқарувга оддийгина қилиб “компаниялар (ташкилотлар) бошқариладиган ва назорат қилинадиган тизим” сифатида таъриф беради [13]. OECDнинг корпоратив бошқарув тамойилларига мувофиқ, янги тажрибалар эгалланган ҳамда бизнес шароитлари ўзгарган пайтда корпоратив бошқарув тизимининг турли қоидалари қайта кўриб чиқилиши, ва зарур ҳолларда, уларга тузатишлар киритилиши лозим.

Юқорида таъкидланганидек, корпоратив бошқарув банк бошқарув органлари ва бошқа манфаатдор томонлар ўртасидаги муносабатлар мажмуи эканлиги кўпчилик тадқиқотчиларнинг илмий асарларида ўз аксини топган. Хусусан, россиялик иқтисодчи олим Р.Каспина корпоратив бошқарувни “унинг қатнашчилари – бошқарув, назорат (бошқарув кенгаши ва аудит қўмитаси) ҳамда фойдаланувчи функциялари (инвесторлар, кредиторлар ва бошқа фойдаланувчилар) ўртасидаги ўзаро алоқалар сифатида кўради” [14]. Унинг фикрича, корпоратив бошқарув компаниянинг акциядорлик (бозор) қийматини яратиш ва ошириш учун корпоратив фаолиятни бошқариш ва назорат қилишнинг ички ва ташқи механизмларидан иборат. О.Осипенко корпоратив бошқарувни “Қисқа (тактик) ва узоқ муд-

датли (стратегик) мақсадларини тартибга солувчи хўжалик юритувчи субъектлар (ва уларнинг турли бирлашмалари) эгалари ва менежерлари ўртасидаги муносабатлар мажмуи, деб ҳисоблайди, чунки корпоратив бошқарув компанияни у билан боғлиқ бўлган барча фаолияти эмас, балки бошқарувнинг ўзидан бошқа нарса эмас деб таъкидлайди” [15].

Кўпчилик иқтисодчи олим корпоратив бошқарувни ташкилотнинг манфаатдор томонлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизими сифатида кўриб чиқади. Уларнинг фикрича, корпоратив бошқарув қоидаларини белгиловчи ва компания эгалари, унинг менежерлари, ишчилари ва ташкилот фаолиятига таъсир кўрсатадиган бошқа шахслар гуруҳлари ўртасидаги муносабатлар механизмини белгиловчи бошқарув тизимидир, дея талқин қилинади.

Тадқиқот методологияси. Компанияларда корпоратив бошқарувни ташкил этиш ва тизимлаштириш билан боғлиқ илмий тадқиқотларни ўрганиш, таъриф ва тушунчалар шаклланишини қиёсий солиштириш, маълумотларни

ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гуруҳлаш, анализ ва синтез усулларида кенг фойдаланилган.

Таҳлили ва натижалар. Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда, корпоратив бошқарув бўйича мавжуд қарашларни қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

1. Бошқарув ва назорат тизими (ёки модели).
 2. Манфаатлар баланси (мувозанати)ни ушлаб туриш механизми.
 3. Мулк эгалари (акциядорлар, инвесторлар)нинг манфаатларини ҳимоя қилиш механизми.
 4. Қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёни.
 5. Компанияларнинг манфаатдор томонлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизими.
- Корпоратив бошқарув бўйича мавжуд қарашларни гуруҳлаш эса қуйидаги расмда келтирилган.



1-расм. Корпоратив бошқарув бўйича мавжуд қарашларни гуруҳлаш

Манба: Маълумотлар асосида муаллиф ишланмаси

Фикримизча, корпоратив бошқарув таърифини “компаниянинг манфаатдор томонлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизимидир” деган тўхтамга келиш тўғри бўлади. Чунки корпоратив бошқарув тушунчаси Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида аниқ ва деярли ҳар томонлама очиб берилган деб ҳисоблаш мумкин: “... бошқарувга оид қарорлар қабул қилиш имконини таъминловчи, бошқарув органлари ва бошқа манфаатдор томонлар ўртасидаги муносабатлар мажмуи, шу жумладан, бошқарув органларининг ваколатлари ва жавобгарлигини тақсимлаш ҳамда бошқарувга оид қарорлар қабул қилиш имконини яратиш” тушунилади[16].

Ушбу таъриф банк назорати бўйича Базел кўмитасининг “Банклар учун корпоратив бошқарув тамойиллари” (Corporate governance principles for banks) ҳужжатида корпоратив бошқарувга берилган тушунча билан тўғри келади [17]. Бироқ, фикримизча, корпоратив бошқарув таърифини алоҳида жиҳатлар билан тўлдириш мақсадга мувофиқ ва уларни қуйидагича келтириш мумкин:

- корпоратив муносабатларнинг энг муҳим субъектларидан бири сифатида давлатни (ёки кенг маънода давлат органларини) ажратиб кўрсатиш;
- манфаатдор томонлар манфаатлари тушунчасини корпоратив бошқарувни шаклланд

тириш ва фаолият кўрсатишининг асосий омили сифатида кенгроқ ёритишиш;

- корпоратив муносабатларнинг энг муҳим механизмлари сифатида функциялар ва ташкилий тузилма тушунчасига тўлдиришлар кириштиш;

- ахборотларнинг ташкилий оқими таърифни субъектлар (манфаатдор шахслар) томонидан корпоратив муносабатларни амалга оширишда ўз функцияларини бажаришда, шу жумладан корпоратив муносабатларнинг энг муҳим механизмларидан бири сифатидаги бошқарув қарорларини қабул қилишда ахборот базаси сифатида тўлдириш.

Таъкидлаш керакки, корпоратив бошқарув кўплаб таркибий қисмлардан ташкил топган, шу сабабли ҳам у комплексда тавсифланиши керак бўлган алоҳида инструмент эмас, балки концепция бўлиб ҳисобланади. Кенг маънода корпоратив бошқарув ўзида нафақат компания ичидаги муносабатларнинг барча жиҳатларини, балки компаниядан ташқари олам билан, унинг молиявий ва молиявий бўлмаган манфаатдор томонлари билан муносабатларини ҳам бирлаштиради. Бизнингча, корпоратив бошқарув таърифи объект, корпоратив муносабатлар субъектлари (манфаатдор томонлар), шунингдек, уни амалга ошириш механизмларини ўз ичига олиши керак.

Корпоратив бошқарув комплекс тушунчадир, шунинг учун уни тизим сифатида кўриб чиқиш керак. Таъкидлаш керакки, ҳозирги вақтда банкнинг корпоратив бошқарув тизими атамаси мавжуд эмас. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси банк фаолиятига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам банкнинг корпоратив бошқарувида “ички назорат тизими”, “рисклари бошқариш тизими” ва “мукофотлаш тизими” каби элементларга аниқлик киритилган.

Корпоратив бошқарув таркибий қисмлари тизимлар сифатида тан олинishi банкнинг корпоратив бошқарув тизими тан олинishига олиб келиши асослаб берилган. Унинг қуйидаги таърифи таклиф этилади: “Банкнинг корпоратив бошқарув тизими давлат, акциядорлар, бошқарув органлари, банк ходимлари ва бошқа манфаатдор томонлар ўртасида манфаатлар, функциялар, тузилган ахборот оқимлари, банкнинг мавжуд институционал муҳитидаги ташкилий тузилма ўртасидаги мувофиқлаштирилган муносабатлар тўплами бўлиб ҳисобланади”. Банкнинг институционал муҳити ўз ичига банкнинг стратегик ва операцион мақсадларига эришиш, шунингдек, банк вазифаларини бажаришни аниқлаб бериш тартиби ва жараёнларини белгилайдиган стратегия, корпоратив бошқарув ва бошқа маҳаллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни олади.

Фикримизча, банкнинг корпоратив бошқарув тизимининг таърифи давлатни манфаатдор томонлардан бири сифатида ўз ичига олиши керак. Шу билан бирга, давлат деганда нафақат Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, балки банкнинг ишлашига таъсир қилувчи бошқа давлат органларини ҳам назарда тутишни таклиф қилади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларида корпоратив бошқарув вазифаларини Адлия вазирлигидан 30.06.2020 йилда 3254-сон билан рўйхатдан ўтган “Тижорат банкларида корпоратив бошқарув тўғрисида”ги низомда белгилаб берган.

Бошқа давлат органлари ўз вазифалари ва функцияларини бажариш доирасида банк фаолиятига ўз манфаатларини ҳисобга олган ҳолда, хусусан унинг корпоратив бошқарувида таъсир кўрсатади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси банк томонидан солиқларни тўлаш ва бюджетни тўлдиришдан, Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги банк ходимларини иш билан таъминлашдан, Монополияга қарши курашиш қўмитаси эса кредит бозорида банклар сонининг кўплигидан манфаатдор ва ҳоказо. Умуман олганда, давлат банк фаолиятидаги манфаатдор шахс бўлади, шунинг учун ҳам у корпоратив бошқаруви муносабатларининг субъекти ҳисобланади.

Кенгайтирилган таърифга мувофиқ, давлатни корпоратив муносабатларнинг энг муҳим субъектларидан бири сифатида жорий этиш орқали корпоратив бошқарув тизими банкнинг қандай қилиб қўшимча қиймат яратишини ва уни манфаатдор томонлар ўртасида тақсимлашини ўз ичига олади. Бундай ҳолда, банкнинг корпоратив бошқаруви ўз ичига корпоратив ижтимоий маъсулиятни ҳам олади.

Фикримизча, корпоратив бошқарувни шакллантириш ва фаолият кўрсатишининг фундаментал асосини манфаатдор шахслар манфаатларида деб ҳисоблаш мумкин. Манфаатдор шахсларнинг манфаатларидан келиб чиқиб, тизимни ташкил этувчи корпоратив муносабатлар шаклланади.

Юқорида таъкидланганидек, функция каби категорияга алоҳида эътибор берилиши керак, чунки функция корпоратив бошқарувнинг асосий элементиدير. Банкнинг корпоратив бошқарув тизимида корпоратив муносабатлар манфаатдор томонларининг функциялари ўз фаолияти доирасида амалга ошириладиган ва банкни бошқариш механизмлари функцияларига бўлинади. Ушбу функцияларни мос равишда “шахслар функциялари” ва “механизмлар функциялари” деб белгилаш таклиф этилади. Бунинг сабабларини шундай ифодалаш мумкин:

1. Функциялар манфаатдор шахсларнинг иродаси кўрсаткичидир. Манфаатдор шахслар ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, ўз функцияларини шакллантирадilar ва амалга оширадilar. Шу билан бирга, манфаатдор шахслар ўз функцияларини бажариш давомида мавжудларини ўзгартирадilar, янгилайдилар, шунингдек, янги манфаатларини шакллантирадilar. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, айтиб ўтилган “шахслар функциялари”, банкнинг корпоратив бошқарув тизими контекстида юқори даражадаги функциялар ҳисобланади. “Шахслар функциялари” бевосита банкнинг ташқи ва ички муҳитига таъсир қилади.

2. Банк фаолиятини жорий бошқариш востаси, шунингдек, асосий мақсадлардан бири бўлган манфаатдор томонларнинг манфаатлар баланси шакллантириш ва бирлаштириш орқали амалга ошириладиган корпоратив муносабатларнинг “механизмлар функциялари” алоҳида аҳамиятга эга. Бунда механизмлар, биринчи навбатда, банкнинг ташкилий тузилмаси, бошқарув ва назорат жараёнлари, қарор қабул қилиш жараёнлари, бизнес-банк жараёнлари, бошқарув органлари ва банк ходимларининг ваколатларидан ташкил топади. “Механизмлар функциялари”ни банкнинг корпоратив бошқаруви контекстидаги ўрнини паст даражали деб аташ мумкин. “Механизмлар функциялари” фақатгина банкнинг ички муҳитигагина таъсир қилади.

3. “Шахслар функциялари” компаниянинг ичидан ривожлантирилиши, яъни “механизмларнинг функциялари” учун асос бўлиб хизмат қилади. Масалан, манфаатдор томонлар, яъни корпоратив муносабатлар субъектлари функцияларидан келиб чиққан ҳолда корпоратив бошқарув механизмларидан бири бўлган банкнинг ташкилий тузилмаси шакллантирилади. “Шахслар функциялари” банкнинг ташкилот ичидаги “механизм функциялари” билан ташкиллаштирилган бизнес жараёнлари асосига қурилган.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, банкнинг корпоратив бошқарув тизимини аниқлашда “функция” категориясини киритишни асосли деб ҳисоблаймиз. Корпоратив муносабатларнинг барча манфаатдор томонларига ахборотлар зарур. Тегишли маълумотлар асосида ва уларни ҳисобга олган ҳолда, корпоратив

муносабатлар субъектлари ўз манфаатларини шакллантирадilar, ўз вазифаларини бажарадилар. Шундай қилиб, шакллантирилган ахборот оқимлари корпоратив муносабатларнинг “қон томирлари” ҳисобланади ва улар банкнинг корпоратив бошқарувини аниқлашда акс эттирилиши керак.

Хулоса ва таклифлар. Тадқиқот натижаларига кўра куйидаги хулосалар чиқариш мумкин:

1. Ўрганишлардан келиб чиққан ҳолда таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда корпоратив бошқарувнинг моҳиятини очиб беришда ягона ёндашув мавжуд эмас.

2. Корпоратив бошқарув менежментдан фарқли ўлароқ, компаниянинг ички ва ташқи муҳитига таъсир қилади.

3. Корпоратив бошқарув моҳиятини аниқлаш бўйича мавжуд бўлган барча нуқтаи назарларни куйидагича гуруҳлаш мумкин:

- бошқарув ва назорат тизими (ёки модели);

- манфаатлар баланси (мувозанати)ни сақлаш механизми;

- мулкдор (акциядор, инвестор)лар манфаатларини ҳимоя қилиш механизми;

- қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёни;

- компаниянинг манфаатдор томонлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизими.

Хулоса қилиб айтганда, корпоратив бошқарув моҳиятини ўрганишлар натижасида куйидаги таърифни шакллантирдик. Фикримизча, “Корпоратив бошқарув компаниянинг манфаатдор томонлари ўртасидаги муносабатлар тўплами бўлиб, манфаатдор шахслар ўз функцияларини бажариши, мавжудларини ўзгартириши ва янгилашлари, шунингдек, янги манфаатларини шакллантириш борасидаги қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнидир”. Шу билан бирга, ушбу таърифни корпоратив бошқарувнинг таркибий қисмлари спектрини тавсифловчи алоҳида жиҳатлар билан тўлдирилиши мумкин. Бунга давлатни манфаатдор шахс сифатида алоҳида ажратиш кўрсатиш, манфаатдор томонларнинг манфаатлари, функциялари ва ташкилий тузилиши, тузилган ахборот оқимларини киритиш билан тўлдириш орқали эришиш мумкин.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 28.12.2018 й. //Халқ сўзи, 29.12.2018.
2. *The financial aspects of corporate governance Available at: <https://ecgi.global/sites/default/files/.pdf>. (accessed: 31.03.2020).*
3. *Jeffers E. Corporate governance: Toward converging models? Global Finance Journal. 2016, no 16, pp. 47–49.*
4. *Мерфи Н. Корпоративное управление и стоимость компании. <https://cyberleninka.ru/article/>. (accessed: 31.03.2020).*

5. Berle A.A., Means G.C. *The Modern Corporation and Private Property*. Commerce Clearing House, Chicago, IL, 1992-pp. 68-87.
6. Committee on corporate governance: final report. Available at: <https://ecgi.global/code/hampel-report-final>. (accessed: 31.03.2020).
7. Дементьева А. Акционерная форма собственности и корпоративное управление. //Проблемы теории и практики управления. 2007, № 12, с 75-84.
8. <https://www.hakanguclu.com/kurumsal-yonetim/soru-cevap/kurumsal-yonetim/>
9. Глушкова Л. Формирование и развитие системы корпоративного управления в кредитной организации. <http://www.dslib.net/finansy/>
10. Мурычев А. Состояние и совершенствование корпоративного банковского управления в России. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. -М.,2007.-38 с.
11. Корпоративное управление в совете директоров <https://www.pwc.kz/en/services/riskassurance/pdf/>.
12. Принципы корпоративного управления для банков (июль 2015). Базельский комитет по банковскому надзору. <https://www.cbr.ru/pdf>.
13. Совершенствование корпоративного управления в кредитных организациях. Базельский комитет по банковскому надзору. Базель, сентябрь 1999 г.
14. Каспина Р.Г. Влияние на формирование бухгалтерской отчетности механизмов корпоративного управления. //Финансы и кредит. 2004. № 7 (145). – С. 50–55.
15. Осипенко О.В. Формирование институтов корпоративной сферы: российский опыт. //Российский экономический журнал. 2004. № 1. – С. 52–58.
16. “Тижорат банклариди корпоратив бошқарув тўғрисида”ги низом. №3254, 30.06.2020 й.
17. Temirov A.A. Improvement of corporate governance in the banking sector of the Republic of Uzbekistan. //Современная школа России. Вопросы модернизации. №1 (38, т2), 2022, с.28-30.



https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a15

ЎЗБЕКИСТОНДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА ХИЗМАТЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Абдукахарова Севара Абдунодировна -
ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиёти
ривожлантиришининг илмий асослари
ва муаммолари” ИТМ, кичик илмий ходим

Аннотация. Иқтисодиётнинг ривожланиши доимо инновацияларни жорий этишга асосланади. Турли соҳаларда фаол ўзгаришлар рўй бермоқда. Рақамли иқтисодиёт рақамли ва электрон технологиялардан фойдаланишга йўналтирилган иқтисодий фаолият ҳисобланади. Ҳозирги вақтда банк соҳасида рақамли технологиялардан фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу мавзунинг долзарблиги шундаки, банкларда рақамли технологиялардан фойдаланиш бутун мамлакатнинг рақамли иқтисодиёти ривожлантиришида, шунингдек, банк соҳасида рақобатбардошликни оширишда асосий бўғин ҳисобланади.

Калит сўзлар: Big Data, булутли технологиялар (cloud computing), BlockChain, Agile-technologies, валюта, интернет-банкнинг, рақамли банк.

АНАЛИЗ ЦИФРОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ И УСЛУГ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ В УЗБЕКИСТАНЕ

Абдукахарова Севара Абдунодировна -
Ташкентский государственный экономический
университет, Научно- исследовательский центр,
младший научный сотрудник

Аннотация. Развитие экономики всегда основано на внедрении инноваций. Активные изменения происходят в различных областях. Цифровая экономика - это экономическая деятельность, ориентированная на использование цифровых и электронных технологий. В настоящее время большое внимание уделяется использованию цифровых технологий в банковской сфере. Актуальность данной темы заключается в том, что использование цифровых технологий в банках является основным звеном в развитии цифровой экономики всей страны, а также в повышении конкурентоспособности в банковской отрасли.

Ключевые слова: Big Data, Cloud computing, BlockChain, Agile-technologies, валюта, интернет-банкнинг, цифровой банк.